

**RISHTON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

151300, Rishton tuman, B.Roshidoniy ko'chasi,
187a-uy



**RISHTON INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

151300, Rishton, B.Roshidoniy street,
187a

Tel: (+99873) 452-21-22

e-mail: i.rishton@sud.uz

А Ж Р И М

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Риштон тумани

2023 йил 22 февраль

4-1505-2302/213-сонли иш

Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Мирзаматов раислигида, судья ёрдамчиси Д.Хомидовнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи [REDACTED] қарздор – [REDACTED] соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги иқтисодий ишни, тарафлардан қарздор раҳбари Х.Парзидинова (паспорт асосида) иштирокида Риштон туман судлари биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) [REDACTED] судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, [REDACTED] (кейинги матнларда қарздор деб юритилади) соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Жавобгар вакили суд мажлисида даъво аризаси бўйича ўз эътирозини билдириб, суд мажлисига даъвогар вакили келмаганлиги сабабли, тегишли қонунчиликка асосан аризани кўрмасдан қолдиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, аризачи суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Ваҳоланки, суднинг 2023 йил 10 февраль кунидаги ажримида аризаچининг зиммасига судга ишга дахлдор ҳужжатларни тақдим этиш тавсия этилиши билан бирга, суд мажлисида вакил иштирокини таъминлаш шартлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддаси биринчи қисми олтинчи бандига мувофиқ, даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарорининг 21-бандида ИПКнинг 107-моддасида кўрсатилган даъво аризасини кўрмасдан қолдириш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланиши ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга асосан, суд аризачи вакили дастлабки суд мажлисига келмаганлигини, судга ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз



қилмаганлигини ҳамда жавобгар вакилларининг мазкур даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги оғзаки илтимосларини инобатга олиб, мазкур аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси талабидан келиб чиқиб, даъво тақдим этишда тўланган суд харажатларини уни тўлаган шахс зиммасида қолдиришни лозим топади.

Мазкур ҳолатда аризачи давлат божи тўловидан озод эканлигини инобатга олиб, олдиндан тўлаб чиқилган почта харажати аризачи зиммасида қолдирилиши лозим.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 118, 195, 196-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Ариза тақдим этишда тўланган 30 000 сўм почта харажатлари

иммасида қолдирилсин.

Ажрим устидан бир ойлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ш.Мирзаматов

